

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФАТТАХОВ РАВШАН АБДУРАШИДОВИЧ**

**АМБУЛАТОР СТОМАТОЛОГИК ҚАБУЛДА БЕМОРЛАРНИНГ  
ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ТАРАНГЛИГИНИ ТУЗАТИШ**

**14.00.21- Стоматология**

**14.00.33 – Жамоат саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент.**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

УЎК: 616.31:614.254.4]:616.89-008.47:615.214.22

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Фаттахов Равшан Абдурашидович**

Амбулатор стоматологик қабулда беморларнинг психоэмоционал  
таранглигини тузатиш.....3

**Фаттахов Равшан Абдурашидович**

Коррекция психоэмоционального напряжения пациентов на амбулаторном  
стоматологическом приеме.....25

**Fattakhov Ravshan Abdurashidovich**

Correction of the psychoemotional tension of patients on outpatient dental  
admission.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФАТТАХОВ РАВШАН АБДУРАШИДОВИЧ**

**АМБУЛАТОР СТОМАТОЛОГИК ҚАБУЛДА БЕМОЛЛАРНИНГ  
ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ТАРАНГЛИГИНИ ТУЗАТИШ**

**14.00.21- Стоматология**

**14.00.33 – Жамоат саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент.**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2018.2.PhD/Tib503 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsdj.uz](http://www.tsdj.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Хасанова Лола Эмильевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ризаев Жасур Алимжанович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Рузуддинов Саурбек Рузуддинович**  
**(Қозоғистон)**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рустамова Хамида Елемесовна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Белорус давлат тиббиёт университети**  
**(Беларусь)**

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: [tdsi2016@mail.ru](mailto:tdsi2016@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Т.Искандарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ш.Х.Бакиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Х.П. Камиллов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Замонавий стоматологиянинг ривожланишига қарамай, тишлар кариеси ханузгача энг кўп тарқалган одам касалликларининг бири бўлиб қолмоқда. Тадқиқотлар маълумотлари бўйича, "...дентофобия сабали, 52%дан 85%гача бўлган шахслар стоматологга қатновдан олдин кўрқув, хаяжон ва зўриқишни ҳис қиладилар, ҳамда 5% атрофида стоматологни эслаганда катта кўрқув ҳис қиладилар..."<sup>1</sup>. Шу сабали, ҳар бир кишига ҳаёти мобайнида врач-стоматологга ташриф юзасидан ноқулайлик ҳиссини ҳис этиш тўғри келади. Баъзан бу ҳолат бир умрга хотирада қолади ва дентофобияни келтириб чиқаради. Стоматологик беморлардаги психоэмоционал зўриқиш врачга мурожаат этишни кечиктирилиши сабаби бўлиши мумкин, бу ўз навбатида ўтказиб юборилган касаллик шакллари билан мурожаат қилишга олиб келади ва даволашни қийинлаштиради ҳамда унинг натижасини ёмонлаштиради. Юзага келиши мумкин бўлган асоратлар турли хил соматик патологияларни юзага келишига кўмаклашади. Бу умуман, аҳоли саломатлигини ёмонлашувига олиб келади.

Жаҳонда соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, шу жумладан, стоматолог қабулида беморлардаги ҳис этилувчи психоэмоционал зўриқиш организмдаги турли бузилишларни баҳолаш; психоэмоционал тарангликни асоратларни камайтириш ва бартараф қилиш; психоэмоционал тарангликни тузатиш учун ишлаб чиқилган чоралари самарадорлигини, беморнинг физиологик ҳолатига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш; профилактик чора-тадбирлар механизмни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, стресс гипоталамо-гипофизар-буйрак усти тизими стероид гормонлари секрециясига кучли таъсир кўрсатади, уларнинг функцияларидан бири бўлиб, стрессорли вазиятларга организм адаптациясини таъминлашдир. Кортизол концентрациясини давомли ўсишида унинг қисми эркин шаклда қонда циркуляция қилишни бошлайди ҳамда сийдик ва сўлакда пайдо бўлади. Кортизол адреналин ва ноадреналин самарасини оширади, бу томирларнинг бардошли гипертонусига олиб келади, яъни юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланиши мумкин. Бу ҳолат бугунги кунда соғлиқни сақлашнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида стоматологик хизмат даражасини ошириш бўйича мақсадли тадбирлар ўтказилмоқда, шу жумладан амбулатор стоматологик қабулда беморларнинг психоэмоционал таранглигини тузатиш бўйича чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тубдан янгиланган ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни такшиқил этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чоралар

---

<sup>1</sup> Анисимова Н. Ю. Пациенты с дентофобией на стоматологическом приеме. Вестник ТГПУ. - 2014. 5 (146) С. 123-128

белгиланди, соғлиқни сақлашнинг самарали модели жорий этилди ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Амалга оширилган тадбирлар туфайли даволаниш тизими юқори даражага кўтарилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ...»<sup>2</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Улар орасида, кўпгина амбулатор муолажаларни (99%гача) бемор онгининг сақланган холба бажарилишини инобатга олган холда, беморлар психоэмоционал зўриқишини коррекция қилиш усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмагани муҳим ўрин эгаллайди.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли қарори, 2014 йил 1 августдаги «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури» тўғрисидаги ПҚ-2221-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дентофобия бутунжаҳон долзарб муаммоси бўлиб хисобланади [S. Cianetti, G. Lombardo et al 2017]. Беморни паник кўрқувгача олиб келувчи бундай бардош кўрқув, болалик ёки ўсмирликда олинган психологик травма, ҳамда врачнинг нокоррект харакати ёки кучли оғриқдан сўнг шаклланиши мумкин [Анисимова Н. Ю., 2014]. 20-30% беморлар кучли ёки камроқ кўрқув хис қилишади, яъни стоматологга мурожаат улар учун психоэмоционал стресс хисобланади [Максимовский Ю.М., 2009; Молчанов А.С., 2011]. Мазкур беморларни даволаш мавжуд соматик касалликларини зўриқишини келтириб чиқариши [Бобкова А.Х., 2010; Daublander M., 2012], шунингдек, стоматологик даволашга турғун кўрқувни шаклланишига кўмаклашиши мумкин. Бемор томонидан хис

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

этилаётган стресс шунингдек, шифокор ишига хам таъсир қилади ва у томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини пасайтиради.

Дентофобиянинг юзага келиши, кутилаётган кучли оғриқ билан боғлиқ бўлади, яъни беморлар врач-стоматологни уларга оғриқ етказиши мумкин бўлган шахс билан ассоциирлайдилар [Blum I., 2019]. 80% ҳолатларда дентофобияни юзага келиш сабаби бўлиб, болалик даврда тишларни даволатгандаги оғриқ ҳисобланади. Бундан ташқари, болаларда ЛОР-муолажаларида стрессни кечириш 27% ҳолатларда, шунингдек бу муаммони келтириб чиқаради [Коваленко Е.Ю., Волков В.А., 2007]. Узоқ вақт мобайнида давом этаётган психоэмоционал зўриқиш нафақат умумий саломатликни ёмонлашувига, балки беморни кейинги даврдан воз кечишига олиб келиши мумкин. Стрессда вегето асаб тизими, гипоталамо-гипофизар-буйрак усти ва ренин-ангиотензин тизимлари симпатик компонентининг фаоллашуви бўлади, бу, катехоинлар, кортикостероидлар, глюкогонларни кўп ишлаб чиқиши ва ажралишига, гомоцестеин концентрацияси ортишига, эндотелий шикастланишига ва у томонидан адгезия молекулаларининг синтезига олиб келади [Lombard J.H., 2010]. Яллиғланиш жавоби, макрофаглар фаоллиги, кислород фаол шиклларининг генерацияси, липидлар модификациясини стимуллаб, сурункали жараён артериосклеротик бляшкаларни ҳосил бўлишига олиб келади [Gu H.F., Tang C.K., Yang Y.Z, 2012]. Бундан ташқари, стресс юз-жағ соҳасига маҳаллий таъсир кўрсатади: гипосаливация натижасида оғир эмоционал стрессдан сўнг одамларда кариоз жараёнини тарқалганлигини оширади, липидлар перекисли оксидланишини фаоллашуви, протеолизни, сўлакда кальций ва фосфор ионлари миқдорини пасайиши натижасида кислотали ва ишқорли фосфатаза фаоллигини ўзгариши, маҳаллий иммунитетнинг ва пульпа микроциркуляциясининг пасайиши, тиш эмал резистентлигини пасайиши [Билинский И.И., Добровольская М.К. и др., 2017, Масюк Н.Ю., Городецкая И.В., 2018]; сурункали стресс натижасида ривожланувчи бруксизм оқибатида тишлар қаттиқ тўқимасининг патологик емирилишига олиб келиши мумкин [Ferreira-Vacci Ado, 2012].

Беморлардаги психоэмоционал зўриқишга бағишланган тадқиқотларда, мазкур муаммони чуқур илмий асосланган изланишлар ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас, жумладан амбулатор стоматологик қабулда беморлар психоэмоционал зўриқишини коррекция қилиш тўғрисида. Шу сабабли, беморларнинг ўтмишдаги салбий стоматологик тажрибасини, унинг эмоционал тусини, ҳозирги кунда стоматологик статусга таъсирини, беморларнинг ҳозирги кундаги психоэмоционал статусини ва унинг физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлар билан боғлиқлигини аниқлаш, психоэмоционал ҳолатни коррекция қилишда қўлланиладиган усуллар самарадорлигини баҳолашни ўрганиш долзарб ҳисобланмоқда.

**Диссертация тадқиқотнинг бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат стоматология институтининг (№ 011400196) “Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, пародонт ва тишлар патологиясини янги

профилактик, диагностик ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш” (2014-2019 йй.) илмий-текшириш ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** амбулатор стоматологик қабулда беморлар стрессли реактивликнинг физиологик ва биокимёвий маркерлари билан алоқасини аниқлаш ва психоэмоционал зўриқиш олдини олишни такомиллаштиришидан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

беморлар психологик статусини аниқлаш;  
психоэмоционал зўриқишни вегетатив нерв тизими активлиги ва стресс биомаркерлари сўлак  $\alpha$ -амилазаси, кортизолга, сўлак ажралиш тезлигига таъсирини аниқлаш;

ҳадик ва кўрқувни ҳис қилганликлари сабабли стоматологга мунтазам равишда қатнамайдиган беморларнинг стоматологик статусини ўрганиш;

амбулатор стоматологик қабулдаги беморларда рухий зўриқишни коррекция қилиш усуллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2019 йилларда «Chilonzor Denta Lyuks» ва 90та «Nafis Nur Dent» (Тошкент) стоматологик клиникаларига мурожаат қилган 16дан 65 ёшгача бўлган 1072 беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг психологик, физиологик кўрсаткичлари, сўлакдаги стресс биомаркерлари, беморларда кариес тарқалганлиги, интенсивлиги ва оғиз гигиеник ҳолати кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, ижтимоий ва статистик текшириш усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

бемор коррекция талаб этадиган психоэмоционал тарангликни ҳис этган, унда яққол кўринишдаги дентофобияси намоён бўлиши аниқланган;

психоэмоционал тарангликни  $\alpha$ -амилаза фаоллигини ошишига ва саливация тезлигини пасайишига олиб келувчи,  $\beta$ -адренорецепторларга таъсир этадиган катехоламинларнинг жадал ишлаб чиқаришига олиб келиши исботланган;

«кўрқув» реакцияси пайтида стресс биомаркери – кортизолнинг концентрацияси камаймагани сабабидан беморларга фармакологик коррекция тавсия этилган;

психоэмоционал тарангликни коррекцияси қўлланилганда, кечиктирилган ташрифлар сонининг камайганлиги сабабли даволаш жараёнининг давомийлигини қисқартириши исботланган;

беморларда КТ, КЖД ва ОНІ-S кўрсаткичларининг юқори қийматлари яққол кўринишдаги дентофобия натижаси эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

амбулатор стоматологик қабулда беморларда психоэмоционал таранглик аниқланган;

амалий стоматология учун стоматологик даволаш самарадорлигини оширадиган беморлардаги психоэмоционал таранглигига ташҳис қўйувчи, бошқарувчи, уни сусайтирувчи ва даволовчи усуллар таклиф этилган;

стоматологик беморнинг психоэмоционал ҳолатини ташхислаш тадбирлар тартиби амалга оширилган;

Ўзбекистонда илк бор беморларнинг стрессни тузатишнинг психотерапевтик усуллари синовдан ўтказиб амбулатор стоматологияда қабул қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган клиник, биокимёвий, ижтимоий усуллар, ҳамда беморларнинг етарлича миқдори, статистик таҳлилнинг асосли услублари тўплами билан тасдиқланган; олинган натижалар хорижий тадқиқотларнинг қиёсланишига асосланган; диссертациядан олинган хулоса ва натижалар ваколатли тизимлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, беморларни стоматологга муайян равишда қатнамаслигига сабаб дентофобия эканлиги исботланган: беморлар стоматологга қачонки оғриқ пайдо бўлсагина мурожаат қилгани, беморларни стоматологик қабулдаги психоэмоционал зўриқиш даражасини аниқлаш усули, беморни даволанишдан олдинги руҳий ҳолатини баҳолашга ва психоэмоционал таранглигини қай даражада тузатиш лозимлигини аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, шифокор ва бемор учун стоматологик даволаниш жараёнидаги хавотирли ҳолатни камайтириб, стоматологик қабулни хавфсиз ва самарадорлироқ бўлишига ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Амбулатор қабулда стоматологик беморларнинг стресс ҳолатларига ташҳис қўйиш ва уларни олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Стоматологик қабулда беморларнинг психоэмоционал таранглиги” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Соғлини сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 июлдаги №8н-р/213 сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома стоматологик қабулда дентофобия ва беморлардаги руҳий зўриқишни аниқлаш усуллари, дентофобия сабабларини аниқлаш усуллари такомиллаштириш имконини берган;

“Стоматологик қабулда беморларнинг психоэмоционал таранглигини олдини олиш” номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Соғлини сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги №8н-р/244 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома стоматологик беморларнинг психоэмоционал зўриқишини ташхислаш тизимини ҳамда стоматологик беморларда руҳий зўриқиш ҳолатини тузатишни такомиллаштириш имконини берган;

амбулатор қабулда стоматологик беморларни руҳий эмоционал ҳолатини ташхислаш ва коррекция қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида, илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш тизимидаги Наманган вилоят стоматология поликлиникаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлини

сақлаш вазирлигининг стоматология поликлиникаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббий бошқармаси ва хусусий “Nafis Nur Dent” (Тошкент ш.) муассасалар стоматологик амалиётига жорий этилди (Соғлини сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги №8н-д/103 сонли маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш, стоматологик қабулдаги амбулатор беморларда руҳий зўриқишларни ўз вақтида аниқлаш ва уни коррекция қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16та илмий иш, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан, 7таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган текширувнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технолологияларининг устивор йўналишларинга мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Амбулатор стоматологик қабулда психоэмоционал таранглигини огохлантириш сабаблари ва усуллари”** деб номланган бобида мавзу бўйича адабиётлар манбаасининг кенг тахлили ўтказилган. Бу муаммо билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг замонавий илмий ютуқлари тахлил қилинган. Психоэмоционал зўриқишни ташхислаш ва коррекция қилишга бағишланган адабиёт маълумотлари баён қилинган, ечимини топиш лозим бўлган муаммолар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, мазкур диссертацион иш бажарилишига асос бўлган усуллар ва материаллар, хронологик ахборот, тадқиқот объектлари изоҳланган.

Тадқиқот объекти бўлиб, 16дан 65 ёшгача 1162 бемор бўлган.

Диссертация изланишлари 2015-2019 йиллар мобайнида «Chilonzor Denta Lyuks», «Nafis Nur Dent» (Тошкент) стоматологик клиникаларида ўтказилган.

Тадқиқотга асосан интакт пародонтли, соматик нисбатан соғлом беморлар жалб қилинган.

Беморлар иккита гуруҳга ажратилган – назорат (622 киши) ва асосий гуруҳ (450 киши). Назорат гуруҳида эркаклар – 222та, аёллар 400тани ташкил қилди. Асосий гуруҳда эркаклар – 176та, аёллар – 274 эди. Биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш ўтказилган 90та бемор ҳам 45 кишидан икки гуруҳга ажратилди: асосий ва назоратга (эркаклар - 41та, аёллар – 49та). Гуруҳлар ичида беморлар одам постнатал онтогенез ёш даврлари бўйича 3 гуруҳчага ажратилди:

- ўсмирлик даври - 16-21 ёш;
- етуклик даври (1 босқичи) - 21 – 35 ёш;
- етуклик даври (2 босқичи) - 35 – 65 ёш.

Асосий гуруҳда психоэмоционал реакциянинг доминантали типи аниқлангандан сўнг, психологик назоратни ташкил қилиш мақсадида, психоэмоционал зўриқишни коррекцияси амалга оширилган. Назорат гуруҳида коррекция ўтказилмаган.

«Nafis Nur Dent» клиникасига мурожат қилган интакт пародонтли 18 дан 50 ёшгача бўлган 90 беморда (улардан 49 аёл ва 41 эркак), биокимёвий текширишлар ўтказилди (45 киши –коррекция ўтказилмаган гуруҳ, 45 – киши коррекция ўтказилган гуруҳ).

Ижтимоий тадқиқот вазифаларига қуйидагилар кирди: беморларда негатив стоматологик тажриба даражасини ўрганиш, психоэмоционал зўриқиш даражасини аниқлаш, стоматологик хавотир субъектив даражасини аниқлаш, психоэмоционал реакция типини белгилаш.

Соматик статусни ўрганиш вазифаларига қуйидагилар кирди: артериал босимни ўлчаш, юрак қисқариши частотасини ўлчаш, Кердо вегетатив индексини ҳисоблаш. Биохимик текшириш вазифаларига: сўлак кортизоли концентрациясини, сўлак  $\alpha$ -амилаза фаоллигини ва сўлак ажралиш тезлигини аниқлаш кирди.

Беморларни сўрови, оғиз бўшлиғи кўриги ва даволаш-профилактика тадбирлари стандарт инструментлар тўплами ёрдамида стоматологик креслода амалга оширилди. Беморларда кариесни тарқалиши, кариес жадаллиги (КИД) ва оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш (ОНИ-S) ўтказилди.

**Беморларда негатив стоматологик тажрибани намоён бўлиш даражасини ўрганиш** Т.Н. Шарова и А.А. Антонова сўровномаси асосида амалга оширилди. Сўровнома 7та саволдан ташкил топган. Сўровнома стоматологга биринчи мурожаатни эмоционал туси, ҳозирги кунда энг катта кўркунни уйғотувчи, шифокорларга қатновнинг муносабати, стоматологик қатновдан бўлган салбий хотираларни аниқлайди.

**Психоэмоционал зўриқиш даражасини** аниқлаш мақсадида В.В.Бойко сўровномасидан фойдаланилди. Сўровнома амбулатор стоматологик қабулда беморлар психоэмоционал зўриқиш даражасини тез баҳолаш имкониятини беради. Унинг натижаси бўйича шифокор қабулда бемор хулқини башоратлаши мумкин, бу турли асоратларни юзага келиш

хавфини камайтириш имконини беради. Сўровнома саволларнинг 9 блокидан иборат бўлиб, белгиларнинг намоён бўлиши бўйича 0дан 10 баллгача жавоблар шкаласидан иборат. 0 – мазкур белгининг тўлиқ йўқлигини, 5- белгини намоён бўлишини ўртача даражасини, 10 – унинг оғирлигининг максимал даражасини англатади.

0 дан 132 балл йиғиндисиди психоэмоционал зўриқишнинг енгил даражаси; 133дан 264гача – ўрта даражаси; 265дан 396гача – юқори даражаси; 397дан 530гача – жуда юқори даражаси кузатилади. Психоэмоционал зўриқишнинг коррекциясини жавоблар 133 балл ва ундан юқори бўлганда ўтказиш лозим.

**Стоматологик** хавотир **субъектив** даражасини аниқлаш Қорах усули бўйича сўровнома ёрдамида ўтказилди. Сўровнома 5та жавобли 4та саволдан иборат. Натижаларнинг тахлили: “А” жавоби 1 баллга; “В” жавоби 2 баллга; “С” жавоби 3 баллга; “D” жавоби 4 баллга; “Е” жавоби 5 баллга тенг.

**Психоэмоционал реакция типини аниқлаш.** Асосий гуруҳ беморлари орасида сухбат ва текширув ўтказиш мобайнида психоэмоционал реакцияни аниқлаш методикаси бўйича уларнинг реакция типлари аниқланди.

Артериал босимни қайд қилиш Н.С.Коротков бўйича стандарт аускультатив усулда ўтказилди. Артериал босим ҳар бир беморда, стоматологик қабулдан олдин, қабул вақтида ва қабулдан сўнг иккала қўлда, 1-2 дақиқа интервал билан ўтказилган, катта кўрсаткичлар инобатга олинган.

**Юрак** қисқаришлар сони 1 дақиқада билан артериясида пульс уришини ҳисоблаш йўли билан аниқланди. Ўлчамлар 3 маротаба – стоматологик даводан олдин, қабул вақтида ва даводан сўнг ўтказилган.

Иш давомида фаолияти юрак-қон томир тизими билан узвий боғлиқ бўлган, вегетатив нерв тизими функциясининг индикатори сифатида Кердо индекси аниқланган

Кердо индексини ҳисоблаш формуласи:

$$ИК = 100 * (1-ДАБ/ЮҚТ),$$

бу ерда, ДАБ – диастолик артериал босим (мм.сим. уст), ЮҚТ – юрак қисқаришлари тезлиги (ур/дақ).

**Биокимёвий текшириш усуллари.**

Сўлак намуналарини йиғиш вақти эрталабги 8дан 10 гачани ташкил қилди.

Тадқиқотга тайёргарлик ўз ичига:

- текшириш арафасида жисмоний зўриқишларни тўхтатиш;
- текширишдан бир сутка аввал алкоголь истеъмол қилмаслик;
- сўлак олинишидан 30 дақиқа аввал овқат истеъмол қилиш, тишларни тозалаш мумкин эмас.

Саливация тезлигини аралаш сўлакни психоэмоционал зўриқиш коррекцияси ўтказилишидаг аввал ва сўнгра 5 дақиқа ичида шишилиқ пробиркаларга туфлаш усули орқали баҳоланган. Сўлак секрециясининг тезлиги сўлак миқдорини серетни олиш вақтига бўлиш орқали ҳисобланган.

Аралаш сўлакдаги кортизол ва α-амилаза фаоллигини спектрофонометрик усулда «Миндрей» ярмаавтомат биокимёвий

анализатор ёрдамида ўлчанган. «HUMAN» фирмасининг реактивлари ишлатилган.

Беморлада кариес тарқалганлиги, П.А. Леус бўйича тишлар кариеси жадаллик даражаси ўрганилган ва J.C.Green, J.R. Vermillion бўйича оғиз бўшлиғи гигиенаси содалаштирилган индекси аниқланган.

**Статистик таҳлил** Microsoft Excel for Windows (10.0) компьютер дастури ёрдамида персонал компьютерда амалга оширилган.

Ўртача арифметик ўлчов (M) ва ўртача арифметик хато (m) ҳисобланди. Иккита ўртача арифметик ўлчовлар ўртасидаги фарқни аниқлигини баҳолаш учун Стьюдент (t) меъзонидан фойдаланилди ва ундан сўнг хато эҳтимоли (P) аниқланди. Агар P 0,05 дан кам бўлса ўртача арифметиклар ўртасидаги фарқ аниқ деб ҳисобланди.

Амбулатор стоматологик қабулда психоэмоционал реакциянинг қуйидаги турларини аниқлаш мумкин:

**Эпизодик ташвиш.** Беморнинг бўш, хотиржам ҳолати кутилмаган ваҳима билан алмашинади. Бунда бемор вазиятни фаолроқ назорат қилади. Бу ҳолат нисбатан тинчлик ва бўшашганлик ҳолати билан алмашинади.

**Хаяжонланиш.** Бемор ҳолати танадаги микрохаракатлар миқдорининг ортиши билан боғлиқ белгилар билан ифодаланади – кўз қисиллар сонининг ортиши, бармоқ учларининг зўриқиши, керагидан ортиқ елкани учириш, янада қулай шароитни топиш учун бошни керагидан ортиқ қимирлатиш; вербал активликнинг ортиши, атроф муҳитга нисбатан –шифокор ҳатти – ҳаракатлари, хонанинг жиҳозланиши, техник таъминланганлик, хом ашёнинг сифати, ходимларнинг малакаси ва ҳ.к кабиларга танқидий фикрларнинг пайдо бўлиши ва кўпайиши.

**Мобилизация.** Беморда тана мускулларининг зўриқиши, қўл ва оёқлар, бош, нигоҳнинг бир хил ҳолатда туриши, паст даражадаги вербал мулоқот, бирор нарсага реакциянинг тормозланиши кузатилади.

#### **Ҳадик.**

Касаллик пайдо бўлиш сабаблари ва вақтини тушунтириб беришга етари даражада тайёр бемор бўлган бемордаги белгилар биланнамоён бўлади. Бемор “ўз қобиғига ўралиб олмаган”, ходимлар билан мулоқот қилишга, мълумотлар олишга юқори даражада қизиқишлари бор, касаллик сабабларини бирма-бир тушунтириб беришга тайёр, оғриқли ҳолатни бартараф этиш учун тиббий ходимлардан ёрдам олишга тайёр.

**Ҳадикни** вербал пайдо бўлиши беморга турли саволлар билан мурожаат қилиш, даволашга ҳолатига оид турли фикрлар билдириш, даволаниш вақтида хавотирга оид фикрлар билдириш билан боғлиқ.

**Ҳадикни** новербал пайдо бўлиши мимик ҳолатлар, нигоҳ, тана ва қўлларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, бемор руҳий хотиржам, ходимларга нисбатан етарли даражада ишончи бор.

#### **Кўрқув.**

Беморнинг ҳолати бўлиб, вербал намоён бўлувчи белгилар қачонки кўрқув сўз орқали ифодаланса бемор руҳий ҳиссиётларини бошқара олмайди. Шунингдек фикрлаш қобилияти тормозланиши мумкин, бунда

беморнинг мавжуд сабаблар хаяжонлари ноадекватлигини исботловчи ўзи далиллари ва атрофдагилар даллиларини инобатга ололмаслиги мумкин.

Новербал кўринишда ҳам намоён бўлиши мумкин: терининг рангпарлиги, ҳаракатлар тезлигининг пасайиши, кўз қорачиғининг кенгайиши, аниқ бўлмаган нутқ, мимик ҳаракатлар.

Кўрқувнинг “ниқобли” тури стоматологик давоанишдан бош тортиш, стоматолог қабулига боришдан бош тортиш, бунданда юқори мақсадлар борлигини баҳона қилиш, анозогнозия. Бундай ҳолатдаги беморда асослаб бериб бўлмайдиган даражадаги оптимизм шаклланиши мумкин, ҳиссиётларни юқори баҳолаш кузатилади. Стоматологияни тиббиётни бир соҳаси сифатида танқид қилиши мумкин. Беморнинг етарли даражада маъданиятли эмаслиги натижасида кўполлик қилиши, дарғазаблик, тиббий ходимга нисбатан агрессия кузатилиши мумкин.

Умумий ҳолатда бемор руҳий зўриқиш даражасини пасайтириш учун кўлланиладиган ҳаракатлар тартиби:

1. Доминант реакцияни аниқлаш, доминант реакция белгилаб берувчи руҳий муҳтожлик ҳолатини тушиниш.

2. Беморга унинг ҳолати ва хусусиятларини тушунганликни кўрсатиш, ўз хатти ҳаракатлари билан бемор хусусиятларини қабул қилганлигини кўрсатиш, беморнинг тўғри хатти ҳаракатлари рағбатантириш.

3. Адекват таъсир ўтказиш: рационал фикрлайдиган беморлар учун аниқ мисоллар келтириш ва рационал фикрловчи беморлар тўғри келадиган ҳаракатлар қилишни талаб этадилар, яъни уларга мослашиш керак.

Психоэмоционал реакциялар туридан қатъий назар беморларда психотерапевтик десенсибилизация бўйича муолажалар ўтказиш керак:

1. Беморга тахминий даволаш режасини тушунтириш керак.

2. Бемор хаёлан хавотир шкаласини тасаввур қилади (унда руҳий зўриқиш ҳосил қилувчи ҳолатларни).

3. Максимал равишда ўзини бўш қўйиш (унча баланд бўлмаган, сокин мусиқа, кучли бўлмаган ёруғлик) чуқур ва кам нафас олиш.

4. Бўшашгандан сўнг кўп маротаба кўз ўнгида бошланғич шкалани тасаввур қилиш.

Беморда эпизодик ташвиш, хаяжонланиш, мобилизация ҳолати пайдо бўлганда амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби: хавотирга сабаб бўлувчи даволаниш жараёни тўғрисида бемор билан аввалдан келишиб олиниши керак.

1. Бемор билан ўзаро тушуниш, бемор ҳиссиётлари инобатга олиниши, ташвиши тушунарли ва инобатга олинишини ҳис қилишлари, билишлари керак.

2. Бемор билан ишлаш давомида танаффуслар бўлиши шарт.

3. Ўртада танаффус қилиш имконияти бўлмайдиган ҳоллар бўлса, бу ҳақда беморга тушунтириш, муолажанинг вақти ва оғирлик даражаси тўғрисида маълумот бериш керак.

Беморда ҳадик ҳолати юзага келганда амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби:

1. Беморда ҳадик ҳолати бўлиши табиий эканлигини таъкидлаб, унга хайрихоҳлик кўрсатиш керак, ҳадик оқибатида дискомфорт ҳолати юзага келганлигини тушунганликни кўрсатиш.

2. Ҳадик меъёрини белгилаш, яъни ҳадик хисси зарар келтирмаслиги кераклигини тушунтириш.

3. Ҳадик сабабини аниқлаш. Кўпгина ҳолларда беморнинг ўзи аниқ бир сабабни кўрсатади. Агар бу содир бўлмаса, стоматологик аралашувда ҳадикнинг сабабини аниқлаш учун саволлар билан мувожаз қилиш керак

4. Аниқланган сабабни беморга тушунтириб бериш.

5. Ҳадикка сабаб бўлган нарсанинг соссизлигини беморга кўрсатиш, бунга далиллар келтириш. Келтирилган далиллар иккига бўлинади бемор билан мулоқот натижасида олинган далиллар – беморнинг хатти ҳаракати, ҳиссиётлари; манбаалардан олинган маълумотлар – илмий нашрлардаги маълумотлар, мавжуд тарихий маълумотлар.

Беморда кўрқув ҳолати пайдо бўлганда амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби:

Даволашга қадар беморда кўп миқдорда руҳий зарядни йўқотиш орқали таъсирлаш орқали – кўрқувни енгиб ўтишдек асосий вазифани бажаришга қаратилган бир қатор ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади.

1. Кўрқув пайдо бўлиши инсондаги табиий ҳолат эканлигини кўрсатиш.

2. Кўрқув бемор ва шифокор мулоқотига ҳалақит бермаслиги кераклигини, даволаниш жараёнига салбий таъсир кўрсатмаслиги кераклигини тушутириш керак.

3. Беморга даволанишдан бош тортган ҳолда бунданда оғир ҳоллар ривожланиши мумкинлигини тушунтириш керак.

4. Бу босқичда аниқ психотерапевтик ҳаракатларни қўллаш керак, масалан диққат-этиборни бошқа нарсага қаратиш, ёки нафас олиш билан боғлиқ ҳаракатларга.

Руҳий таранглигини коррекциясидан сўнг назорат гуруҳидаги беморларга стоматологик даволаш ишлари амалга оширилди.

**“Ҳусусий тадқиқотларнинг натижалари”** деб номланган учинчи боб артериал қон босими кўрсаткичлари ва юрак қисқаришлар сони ўзгаришларига, икки гуруҳдаги беморларда Кердо вегетатив индекс динамикасига бағишланган. Шунингдек унда Тошкент шаҳри аҳолисининг стоматологик қабулдаги салбий стоматологик тажрибасини ўрганиш натижаари, дентофобиянинг намоён бўлиш даражаси, беморлар руҳий эмоционал реакцияларининг намоён бўлишини аниқлаш стресс биомаркерлари фаолиятини ноинвазив аниқлаш натижалари келтирилган.

**Беморлар гуруҳларида артериал босим кўрсаткичларини ўрганиш натижалари ( мм.сим.уст.)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Назорат гуруҳи</b>	<b>Асосий гуруҳ</b>
Қабулгача САБ	130,1±0,46*	110,6±0,48
Қабул пайтида САБ	128,5±0,43*	110,4±0,46
Қабулдан сўнг САБ	127,5±0,46*	109,6±0,59
Қабулгача ДАБ	86,7±0,31*	71,7±0,31
Қабул пайтида ДАБ	83,3±0,31*	71,6±0,31
Қабулдан сўнг ДАБ	82,7±0,27*	71,5±0,31
p<0.05		

Олинган маълумотларга асосан, назорат гуруҳидаги беморларда қабулгача, қабул вақтида ва қабулдан сўнги даврда артериал босим кўрсаткичлари юқори оптимал даражага мос холда эди, асосий гуруҳда эса оптимал артериал босим кузатилди (1-жадвал).

**Беморлар гуруҳларида юрак қисқариши тезлиги кўрсаткичларини ўрганиш натижалари (дақ/ур)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Назорат гуруҳи</b>	<b>Асосий гуруҳ</b>
Қабулгача ЮҚТ	89,7±0,18*	74,5±0,24
Қабул пайтида ЮҚТ	86,6±0,16*	73,2±0,22
Қабулдан сўнг ЮҚТ	79,2±0,14*	72,9±0,20
p<0.05		

Юрак уришлар сонини ўрганиш назорат гуруҳидаги беморлардаги юқори таъсирланишдан далолатдир, бунда ўртача кўрсаткичлар бунда тахикардияга тўғри келди, шу билан бирга асосий гуруҳдаги беморларда даволаниш жараёни даврида юрак уришлар сони физиологик меъёрга мос келди (2-жадвал).

Кердо вегетатив индекс кўрсаткичлари динамикаси асосий гуруҳда бошланғич кўрикда, парасимпатик нерв тизимини аниқ таъсирланишини кўрсатди (-4,8±0,37), кейинчалик стоматологик қабул вақтида -3,3±0,38гача кўтарилиш кузатилади, қабул охирига келиб вегетатив индекс кўрсаткичлари -7,2±0,37гача пасаяди, бу вегетатив нерв тизимини парасимпатик компоненти активланишидан далолат беради.

Назорат гуруҳида эса ўзгаришлар динамикаси қуйидагича: бошланғич текширувда Кердо индексининг ўртача кўрсаткичи 3,5±0,43 га тенг, қабул вақтида 3,5±0,43, стоматологик қабулдан сўнг 1,73±0,4, яъни вегетатив нерв тизимининг парасимпатик ва симпатик компонентларининг функционал мувозанат томонига аста-секин пасайиб борувчи симпатик нерв тизимининг таъсири кузатилмоқда (3-жадвал).

**Беморлар гуруҳлари бўйича Кердо индексининг ўртача кўрсаткичлари**

Назорат гуруҳи			Асосий гуруҳ		
Қабулгача	Қабул вақтида	Қабулдан сўнг	Қабулгача	Қабул вақтида	Қабулдан сўнг
-4,8±0,37	-3,3±0,38	-7,2±0,37*	3,5±0,43	1,99±0,45	1,73±0,4
p≤0,05					

Стресс биомаркерлари (кортизол концентрацияси, α-амилаза фаоллиги ва сўлак ажралиш тезлиги) фаолиятини ноинвазив текшириш натижалари коррекция ўтказилмаган беморларда стоматолог қабулига бориш натижасида рухий стресс мавжудлигини кўрсатмоқда (кортизол - 18,85±0,86 (меъёр < 12,14 нмоль/л), α-амилаза - 61,57±1,48 (меъёр < 53 бирл/л), сўлак ажралиш тезлиги - 0,1-0,15 мл/мин), қайсики рухий коррекция ўтказилган беморларда бу кўрсаткичлар физиологик меъёр даражасида бўлган - 10,04±0,56, 50,01±2,79 и 0,2-0,3 мл/мин) (4ва 5-жадваллар).

4-жадвал

**Беморлар гуруҳларида сўлак кортизоли концентрациясининг ўртача кўрсаткичлари**

Кўрсаткич (нмоль/л)	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ
Кортизол даражаси	10,04±0,56	18,85±0,86*
p≤0,05		

5-жадвал

**Жинси ва рухий ҳиссиётлар реакциясига боғлиқ ҳолда ўтказилган психопрофилактика гуруҳидаги беморлар сўлагидаги кортизол концентрациясининг ўртача кўрсаткичлари**

Рухий ҳиссиётга таъсир этувчи реакциялар	Кортизол (нмоль/л)		
	Барчаси	Эркаклар	Аёллар
Эпизодик ташвиш	9,16±0,71	9,2±0,93	9,57± 0,91
Хаяжонланиш	9,13± 0,25	9,08±0,37	9,6±0,33
Мобилизация	9,7±0,56	9,27±0,64	10,07±0,45
Ҳадик	10,35±0,36	10,65±0,74	10,65± 0,85
Кўркув	11,87± 0,92*	10,9±1,19	10,9±0,76
p≤0,05			

**Турли гуруҳ беморларида сўлакдаги амилаза фаоллигини кўрсаткичлари**

<b>Беморлар гуруҳлари</b>	<b>α-амилаза бирл\л</b>
Назорат гуруҳи	61,57±1,48*
Асосий гуруҳ	50,01±2,79
p<0.05	

